Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муқаддас Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини қутлашдан, Сизга бахт ва мамлакатингиз биродар халқига равнақ тилашдан беҳад ҳурсандман.

Зоид бин Султон Ол-НАҲЯН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити байрами сабр-тоқат ва қутлов вақтидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларини ва дўст Ўзбекистон халқини самимий табриклаймиз. Шахсан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва халқингизга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Шу онларда Тангридан мусулмон умматига бирлик ва қутбаракот ато этишини, эътиқодимизни мустаҳкамлашини, ҳар қандай офатлардан сақлашини сўраймиз.

Қобус бин САИД,
Уммон Давлати Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
Азиз қардошим,

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Сиз Зоти Олийларини самимий табриклайман ва шу фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Зоти Олийларининг саломатлиги ва бахти, дўст ва қардош ўзбек халқининг омонлиги ва фаровонлиги учун энг эзгу тилакларимни такрор изҳор этаман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуганиевич,

Сизни ва биродар ўзбек халқини муқаддас Қурбон ҳайити билан самимий табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила

Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва эзгу ниятлар тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган энг юксак ҳурматларимни қабул этгайсиз.

Абдуллоҳ бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Ҳошимийлар подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига эса тараққиёт ва равнақ тилашдан беҳад мамнунман.

Ҳожи Ҳасанал БОЛКИЯХ,
Бруней-Даруссалом Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

1419-ҳижрий йилининг энг қувончли ва муборак байрами Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи, шунингдек, оилам ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу ниятларимни йўллашдан беҳад бахтиёрман.

Мусулмонлар бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлашдаги умумий интилишларимизни Оллоҳнинг ўзи қўлласин.

Сиз Жаноби Олийларига бўлган энг юксак эҳтиромларимни изҳор этиб, яна бир бор Яратгандан биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ ато этишини тилайман.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Бахаруддин Юсуф ҲАБИБИ,
Индонезия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва бутун биродар Ўзбекистон халқини Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари биродар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланишига аминман. Сизга, оилангизга ва барча халқингизга тинчлик, бахт ва равнақ тилайман.

Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Элчи Андижонга келди

Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришар ва рафиқаси Андижонда бўлдилар. Уларнинг ташрифи Наврўз айёми ва Франция киноси фестивали ўтказиладиган кунларга тўғри келди. Юқори мартабали меҳмонлар Чўлпон номли Андижон давлат тиллар педагогика институтида кино анжуманининг очилиши маросимида қатнашдилар. Шунингдек, француз тили ўқитиладиган мактабларни бориб кўришди.

Кино мухлислари уч кун давомида ажойиб саргузаштларга бой француз фильмларини томоша қилдилар. Меҳмонларнинг ушбу сафари Ўзбекистон-Франция дўстлигини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳамширалар танлови

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида «Наврўз юлдузлари», «Ҳамшира-99» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда туманда фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш муассасаларининг лобар ҳамширалари иштирок этдилар. Ушбу тадбирни ўтказишга «Камолот» жамғармаси туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда соғлиқни сақлаш туман бўлимлари бош-қош бўлишди.

— Шундай тадбирларни ўтказиш 220 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган туманимизда малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга баҳоли қудрат ҳисса бўлиб қўшилади, — дейди туман ҳокими Абулқосим Маҳмудов.

Ҳақиқатан, ҳамшираларимиз ўзларининг нечоғлик ижобий фазилатларга эга эканликларини намойиш этдилар. «Она — гўзаллик тимсоли» «Аёл билан мунаввар олам», «Она билан бола, гул билан лола» — деб номланган чиқишлар тўпланганларни хушнуд этди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Лаҳлочилар тақдирланди

Қарши тумани ҳокимлиги мажлислар залида 200 нафар аълочи ва иқтидорли ўқувчилар тўпланишди. Йиғилганлар ҳузурида туман ҳокими Сайфулла Хайруллаев маъруза қилди. У кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, шу йил Тошкентда юз берган 16 февраль воқеалари ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сарлавҳали мақолада юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» мухбири саволларига берган жавоблари хусусида фикр билдирди.

— Республикамизнинг келажаги учун жон куйдириш сизларга боғлиқ. Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрликни унутмаслигимиз керак. Сиз учун барча имконият эшиклари очилди, — деди у.

Шундан сўнг ҳоким иқтидорли фарзандларимизнинг ҳар бирига 500 сўмдан пул мукофоти, ҳокимликнинг эсдалик совғаларини топширди.

Худойберди НАЗАРОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 27 март, шанба • № 39-40 (24.435).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Вилоят кенгаши сессияси

Урганчда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, концерн, компания, идора ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлари.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Хоразм вилояти республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг буюк келажагини бунёд этишда хоразмлик меҳнаткашлар ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда вилоятда кўплаб ижтимоий-иқтисодий объектлар, йирик корхоналар ишга тушди, талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бироқ охирги вақтда вилоятда кадрларни танлашда таниш-билишчилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ўзибўларчилик, бюджет маблағларини ғайриқонуний сарфлаш ҳоллари содир бўлди. Баъзи раҳбарлар ўз масъулиятини тўлиқ англамагани, замон талаблари асосида иш юритмаётгани боис корхоналарнинг дебитор-кредитор қарзлари кўпайди.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни вилоятда суст бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, маданий-маърифий, тиббий муассасалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида ҳали муаммолар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари вилоятда юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун бошқарув идораларига ёшларни кенг жалб этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, барча соҳаларда мулк масаласини ҳал этиш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққан Боғот тумани ҳокими Ш. Хожиниёзова, меҳнат фахрийси Б. Давлатов, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ва бошқалар Хоразм аҳли йўлбошчимиз нутқида кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солишини айтдилар. Хоразм юртига, унинг меҳнаткаш халқига берилган юксак баҳо учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. И. Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан депутатлар Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келган Ислом Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Б. Олимжонов, М. Усмонов иштирок этди.

Беҳзод УСМОН,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА мухбирлари.
Суратларда: сессия пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. О. Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ислом Олимович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. Юсуповни Хоразм вилоятининг ҳокими лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Искандар Юсупов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Хоразм вилоятининг ҳокими лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. О. Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Ислом Олимович Бобожонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 март

Ислом Каримов:
Миллат қудрати — ҳамжиҳатликда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, жамият ҳаётида адолат устуворлигига эришиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш ўзини шу азиз Ватан фарзанди деб биладиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу муҳим, айтиш мумкинки, ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм воҳаси ўзининг қадимий тарихи, ноёб маданияти, нафис санъати, юксак маърифати, доно фалсафаси ва инсонпарварлиги билан маълум ва машҳурдир, деди Президент.

Хоразм вилояти заминида камол топган алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб улуғ инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир. Бу гўзал шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани бу ўлка шуҳратини яна бир бор оламга тараннум этди, десак асло муболаға бўлмас.

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Буюк аждодларимизнинг пок руҳи ва ўгитлари ўтиш даври оғирлигини енгишда барчамизга таянч ва мадад бермоқда.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг ёруғ келажагини яратишда, олдимизда турган муҳим вазифаларни амалга оширишда Хоразм вилоятининг меҳнаткаш, бағри кенг, фидойи халқи ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларига чуқур ҳурматини изҳор этар экан, олдин ҳам кўп бор билдирган фикримни — ишончимни яна бир марта такроран айтмоқчиман: азал-азалдан мана шундай ўта мураккаб табиат шароитида ўз анъаналари ва маданиятига суянган хоразмлик миришкорлар деҳқончилик ва бунёдкорлик соҳаларида узоқ ва яқин орада ўзларига муносиб обрўларини сақлаб келмоқдалар, дея таъкидлади.

Вилоятда кейинги уч йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 фоиз ортди. Иқтисодий жиҳатдан бюджет кўрсаткичларини йил сайин ошириб бажариш таъминланмоқда. Пул эмиссияси ҳажми 21 фоиз пасайган.

Капитал маблағларни ўзлаштириш режага нисбатан икки марта ортди. Ишлаб чиқариш қудратини кенгайтириш соҳасида кўплаб ижтимоий, маданий объектлар, иншоотлар фойдаланишга топширилди. Лекин вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бугунги йиғилишимиздан мақсад, деди Президент, иқтисодиётимизда, умуман, ҳаётимизда эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритиш эмас, асосан вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шу азиз юртда яшаётган халқнинг оғирини енгил қилиш масалаларини муҳокама этишдан иборатдир.

Шуни афсусланиб қайд этмоқчиманки, охирги вақтда бошқа вилоятларга ўхшаб Хоразм воҳасида ҳам баъзи раҳбарларнинг фаолиятида ўз шахсий манфаатини хизмат бурчидан устун қўйиш, кадрларни танлашда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмоқда, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга масъулиятсизларча ёндашиш, ўзибўларчилик каби ҳолатлар содир бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида халқ хўжалигининг барча соҳаларига, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир неча йил илгари вилоятда салмоқли корхоналардан ҳисобланган «Хоразм ипаги», «Қурилиш материаллари» каби акционерлик жамиятларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг 10-20 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Баъзи корхоналар эса умуман тўхтаб қолган. Вилоятдаги 25 та корхонада 1997 йилга нисбатан 500 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулотлари кам ишлаб чиқарилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 9,5 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 3 маротаба ошган.

Кредиторлик қарзлари эса 10,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 2,0 миллиард сўми муддати ўтган қарзлардир. 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра омборларда туриб қолган маҳсулот қиймати 4,0 миллиард сўмни ташкил қилган. Шу даврда солиқлар бўйича тўланмаган маблағ бир миллиард сўмдан ошиб кетган.

Юзага келган бундай аҳвол бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақининг кечиктириб берилишига ва одамларнинг норозилигига олиб келмоқда. Ана шундай вазиятда ҳам бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий база яратилган бўлишига қарамасдан, вилоятда бу борадаги ислоҳотлар жуда суст бормоқда. Мулкдорлар синфини шакллантириш, пай асосидаги янги ширкатларни ташкил этишга етарли эътибор йўқ.

Деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, ҳар бир жамоа аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб, хўжалик ерларини уларга ижарага бериш, деҳқон ва фермерларнинг билимини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишлари ҳам қониқарсиз ташкил қилинган.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳокимларда ва бошқа мутасадди раҳбарларда тадбиркорлик, изланувчанлик етишмаслиги, иш тўғри ташкил этилмагани сабабли ўтган йили вилоятда пахта етиштириш режаси барбод бўлди. Айниқса бу соҳада йўл қўйилаётган кўзбўямачилик, сохтакорлик, қўшиб ёзиш каби эски иллатларга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Кейинги пайтларда вилоятда ана шундай кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Пала-партиш иш юритиш, ортиқча харажатлар қилиш натижасида хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетмоқда.

1998 йилни мавжуд 128 хўжаликнинг 70 фоизи 2,0 миллиард сўм зарар билан якунлагани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Вилоят молия ва банк тизими фаолияти таҳлил қилинганда, бу соҳада ҳам тартибсизлик, қонунбузарлик ҳолатлари авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Ўтган йил мобайнида Молия вазирлигининг вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 350 та бюджет ташкилотларида текшириш ўтказилди. Бу ташкилотларнинг ярмидан кўпида 16 миллион сўм маблағ ғайриқонуний равишда сарф қилингани аниқланиб, 84 нафар моддий жавобгар шахс устидан тафтиш ҳужжатлари тузилди ва маъмурий органларга топширилди.

Бюджет маблағларини сарфлашда соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш каби устувор йўналишларни биринчи навбатда таъминлаш ўрнига маблағлар бошқа соҳаларга ишлатиб юборилган.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан вилоят ички ишлар бошқармасига, вилоят ҳокимлиги котибият мудирига ва бошқа бир қатор ташкилотларга бюджет ҳисобидан 21 миллион сўмлик 15 дона енгил автомашина олиб берилган. Янгибозор туманида эса ҳокимлик биноси таъмири учун кўзда тутилганидан 5 марта кўп маблағ сарфланган.

Хонқа тумани ҳокимлиги ихтиёрида 7 та турли русумдаги автомашина бўлишига қарамасдан, туман ҳокими (К. Ортиқов) салкам тўрт миллион сўм бюджет маблағи ҳисобига чет элда ишлаб чиқарилган «жип» русумли хизмат автомашинаси сотиб олган. Бу қанақа бойваччалик?

Вилоятда нодавлат мулк шаклига мансуб ташкилотларни, кичик ва ўрта бизнес соҳаларини ривожлантиришга эътиборсизлик билан ёндашиш оқибатида охирги икки йил давомида мингдан ортиқ ана шундай корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолган. Қолганларининг ҳам ҳозирги пайтда фақат 58 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги давлат мулкига эга бўлган 175 та ҳиссадорлик жамиятларининг 45 таси бирор сўмлик ҳам акция сотмаган. Айрим туманларда «кимошди» савдолари ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Хонқа, Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Янгиариқ туманларида ўтган йили бирон марта ҳам «кимошди» савдолари ўтказилмаган.

Соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларидаги вазият ҳам ачинарли аҳволда. Мактабларнинг 96 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 13 та мактаб биноси авария ҳолатида. Мактабларда турли фанлар бўйича 600 дан ортиқ ўқитувчи етишмайди. 200 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 112 тасида спорт заллари, 310 тасида эса компьютер синфлари йўқ.

Бундай аҳволда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур вилоятда қандай қилиб амалга оширилади?

Мен бир ҳақиқатни ҳар доим таъкидлайман: бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш

(Давоми 2-бетда)

Ислом Каримов:
Миллат қудрати — ҳамжиҳатликда

(Давоми. Боши 1-бетда)

авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман, деб қайта-қайта айтганман.

Наҳотки вилоят раҳбарлари ана шу сўзлар маъносини англамасалар, деди Ислом Каримов. Қани уларда ёшлар тарбиясига эътибор? Эртанги кунни, келажакни кимларнинг қўлига топширасизлар? Қани, айтингларчи, нимани ўйлаяпсизлар ўзи?

Вилоятнинг Урганч, Янгибозор, Қўшкўпир туманларидаги баъзи қишлоқ врачлик амбулаторияларида бирорта ҳам малакали врач ишламайди. Тиббий муассасаларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда. Болалар орасидаги тиббий-профилактика ишларининг аҳволи қониқарсиз ҳолатда.

Аҳолининг 35 фоизи, жумладан, қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмагани бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз ташкил этилганидан далолат беради. Ҳар бир туман, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳанузгача бу соҳаларда қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаяптилар.

Аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари очиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмоқда. Вилоят аҳолиси йилига 24 минг кишига кўпайиб бораётганини эътиборга олсак, яқин кунларда ишсизлик вилоятда энг катта масалалардан бирига айланиши мумкин.

Аҳолининг барча қатламларида мафкуравий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил равишда олиб бориш — бу замон талабидир.

Мен яна бир бор такрорлайман: **мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур**, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, **чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар.** Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам табиий.

Энг даҳшатли нарса — бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидир. Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган бир мақолини эслайлик. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай маккор ўз таъсирини ўтказа олади. **Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар.**

Бу сўзларнинг исботи ўтган йили Наманганда бўлиб ўтган, шу йилнинг 16 февралида Тошкентда содир бўлган мудҳиш воқеаларда яққол кўринади.

Ёшлар — бамисоли навниҳол, агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, имонсиз, ватанфуруш, ғаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг ғаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи эмасми?

Очиғини айтиш керакки, вилоятда бу соҳада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Аксарият маданият уйлари, кутубхоналар ишламайди. Улар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий, ички ва ташқи сиёсатига оид китоблар, рисолалар, матбуот нашрлари билан таъминланмаган.

Вилоят газеталарида кундалик ҳаётимизда учрайдиган камчиликларни фош этишга, уқувсиз, лоқайд раҳбарларни танқид қилишга доир ва ёшлар тарбиясига бағишланган материаллар деярли учрамайди.

Вилоят телевидениесида ҳам одамларни қизиқтирадиган, улар диққатини жалб этадиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ. Вилоят телевидениеси бунинг ўрнига кўпроқ чет эл кинофильмларини ёки ҳоким жанобларининг 55 ёшга кирганини «тараннум» этувчи кўрсатувларни намойиш қилиш билан овора.

Наҳотки бутун дунё тан олган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Замахшарий каби буюк алломаларимиз яшаб ўтган Хоразм заминида аҳвол шундай бўлса?!

Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзаки қараш, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гиёҳвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Вилоятда турли диний экстремизм оқимига мансуб шахслар пайдо бўлиб, улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Бундай сохта, хилма-хил ниқоб остида пайдо бўлаётган оқимлар бизнинг аҳолимиз, асосан ҳали имон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларимиз — фарзандларимиз, оилаларимиз бошига катта бало бўлиб тушмоқда.

Шу муносабат билан яқин тарихимизни эслаб, таҳлил қиладиган бўлсак, ажиб бир ҳолатга дуч келамиз. Барчамизга маълум: ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси мамлакатда текинхўр, ишёқмас, таъмагир, босқинчи, товламачи кимсалар учраб туради. Афсуски, бу нохуш ҳолат мажудлигини дунёда ҳеч ким, ҳеч бир халқ ёки жамият инкор этолмайди.

Биров ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзғор тебратади, бола-чақа боқади. Чунки бундай одамларнинг қалбида имони, диёнати, орномуси, охиратдан қўрқиш туйғуси бор, иродаси мустаҳкам. Аммо нопок йўллар билан, кимнингдир ризқини қийиб, одамларни қақшатиб бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган қабиҳ ниятли кимсалар ҳам борки, улар учун бундай муқаддас тушунчалар мутлақо бегона.

Ёдингизда бўлса, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб қолди. Сув лойқаланганда кўпик юзага чиққанидек, саёз фикрли, кибр-ҳаво кайфиятига берилган, енгил-елпи йўл билан сохта обрў орттиришни кўзлаган шуҳратпараст одамларнинг аслида ким бўлганини бугун халқимиз яхши билади. Бу ҳаракатлар бебош тўлқин каби дарёнинг чағир қирғоқларига урилиб, беиз ўтиб кетди. Чунки унинг мақсади фақат бузиш, емириш, бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон солишдан иборат бўлгани учун меҳнаткаш, андишали, бағри кенг халқимизни йўлдан оздира олмади.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўз мақсадига етолмаган, йиқилса ҳам курашга тўймайдиган, кеча демократ телпагини кийиб юрган бу кимсалар бугун экстремистик ваҳҳобийлик оқими билан бирлашмоқда.

Шундан кейин бу мунофиқ шахсларнинг на демократлигига, на диндорлигига ишониб бўладими?! Ҳамма гап шундаки, шакл бошқача-ю, мақсад ўша-ўша, яъни нима қилиб бўлса ҳам амалга, мансабга эришиш! Ва ўз нопок мақсадларига эришиш учун барча ёвуз ниятлардан ҳам қайтмаслик.

Агар биз озгина бўлса-да бепарволикка йўл қўйсак, бундай ёвуз интилишларнинг вақтида пайини қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин, деди Президент. Февраль воқеалари бу фикрни тасдиқлаб турибди. Нима, «тоза ислом», «ислом софлиги учун» деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар дини ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончиликни ўргатмоқчими?! Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр «Астағфуруллоҳ!» дегинг келади.

Аслида асрлар давомида дини исломни ким-кимга ўргатиб келган? Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуғ аждодимиз Маҳмуд аз-Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун **«Жоруллоҳ»**, яъни **«Оллоҳнинг қўшниси»** деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган «Ал-Муфассал» китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири: **«Оламдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек машҳур алломанинг ватанидир»**, деганида тўла ҳақлидир. Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёт бўлган турли зарарли, заҳарли таъсирларга берилиш ярашадими?

Энг ачинарли томони шундаки, ўз орамиздан чиққан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди. Кечагина ўзини ҳақиқий, тоза демократ, деб атаган, динга ҳам, худога ҳам ишонмаган, ҳаром-ҳариш йўлда юрган, манфаатпарастлик ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлган кимсалар ўша ёвуз кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз Ватанига хиёнат қилмоқда. Бугун улар ўзаро бирлашиб, диний ақидапарастлик, «тоза ислом» ниқобига, либосига ўралиб, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган баъзи ёшларни йўлдан оздирмоқдалар. Ҳар қанча афсус билан айтмайлик, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай «доҳий»ларнинг таъсири гирдобига тушаётган кимсалар ҳар қандай жиноят, ёвузликдан ўзини тиймайди.

Биргина мисол келтирайлик. Ўзини ваҳҳобий деб юрган Урганч шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси (бундай кимсаларни ўқитувчи дейишга ҳам тил бормайди!) С. Аллаёров уюшган жиноий гуруҳ сафида 1998 йил 4 декабрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманида фуқаро А. Мамадхўжаевнинг уйига қилинган босқинчиликда иштирок этиб, қотиллик содир этган. 18 декабрь куни эса Ҳазорасп темир йўл бекатида милиция ходимларига ўқ узиб, улардан бирининг ўлимига сабаб бўлган. Мана сизга бу шахсларнинг ҳақиқий башараси.

Мана шундай йўл билан қанчадан-қанча ёшларнинг ҳаётини хазон қилган, уларни йўлдан урган, оғир жиноятларга етаклаган қўпорувчилар ва уларнинг чет элларда ватангадо бўлиб юрган «доҳийлари» халқимиз, миллатимиз олдида ўз кирдикорлари учун жавоб бериши керакми, йўқми?! Албатта, улар ўз жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг 16 февраль воқеаларига муносабати хусусида тўхталар экан, Президентимиз Ислом Каримов шундай деди: Куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган бир мақолага кўзим тушди. Мақола муаллифи, Боёвут туманидаги қишлоқ мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат Ўрозова шундай деб ёзади:

«16 февраль воқеаларини таҳлил қиларканман, ҳамиша хаёлимга бир гап келади. Хунрезлик ижрочилари шунчаки нотавон ва разил югурдаклардир. Уларнинг ортида ватанида қадр топмаган ва қадр топиши гумон бўлган ватанфурушлар турибди. Бу ватанфурушларнинг ҳам ҳомийлари бор. Бу ҳомийлар итга суяк ташлагандай ватангадолар олдига суяк ташлаб, ўз ноғораларига ўйнатиш пайида бўлган кимсалардир».

Мана сизларга оддий бир ўзбек аёлининг жуда лўнда ва тўғри фикри. Миллион-миллион юртдошларимизнинг дилидаги гапларни ифода этувчи фикр.

Муаллима ватанфурушларга қарата: **«Менинг ҳар бир ҳамқишлоғим эрта тонгда Оллоҳдан юртга тинчлик, фаровонлик тилар экан, сизларнинг маълум ва номаълум қиёфаларингизни кўз олдиларига келтиришиб, номингизга лаънатлар ёғдираётганини айтиб қўйишни ўз бурчим деб биламан»**, деб ёзади.

Келинглар, биродарлар, барчамиз ана шу муаллима аёлга қўшилиб, ўша машъум воқеаларнинг қайтарилмас тарих бўлиб қолишини Оллоҳдан сўрайлик.

Энди икки оғиз сўз вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ҳақида. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Вилоятда уюшган жиноятчилик, ўта оғир ва қасддан содир этилган жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Айниқса, қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг жиноятга қўл уриши — бу мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳол. Афсуски, вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг бундай қилмишларига ҳанузгача чек қўйилмаяпти.

Ўтган йилда вилоят ички ишлар бошқармасининг 8 нафар, солиқ бошқармасининг 3 нафар ва божхона бошқармасининг 5 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Бу кимсаларнинг аксарияти мансабини суиистеъмол қилиш ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Жумладан, Питнак шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, милиция капитани Т.Мадримов 300 минг сўмга гиёҳванд модда сотаётган пайтида қўлга олинган. Унинг уйидан 26 килограмм афюн топилган. Гурлан тумани давлат солиқ инспекциясининг инспектори Б. Умаров «Комплекс-Гурлан» масъулияти чекланган жамият таъсисчиси К. Собировдан 150 минг сўм пора тариқасида олган, божхона инспектори Б. Абдуллаев ва Р. Бобожоновлар 1998 йилнинг 21 октябрь куни «Тошкент-Волгоград» поездида йўловчилардан юкларни божхона кўригидан ўтказмаслик эвазига 6 минг сўм пора олаётган пайтида ушланиб, ҳибсга олинган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юртимизда, жумладан, Хоразм воҳасида яшаётган одамларнинг тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарларнинг ўрни ва таъсири беқиёс, дея таъкидлади Президент. Бизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки раҳбарнинг фидойилиги, нафақат фидойилиги, балки раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга. Лекин барча раҳбарлар ҳам шу масъулиятни, халқ билдирган шу ишончни етарли даражада ҳис этяпти, деб бўладими?

Хоразм аҳлининг ажойиб шеваси, бетакрор санъати, ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларидан иборат бўлган, бир сўз билан айтганда, ўзига ғоят ярашадиган хоразмча бир муҳити бор. Бошқалар бунга катта ҳавас билан қарайди.

Мана, олайлик, сизларнинг «ёшулли» деган бир сўзингиз бор. Содда қилиб ифодаласак, бу «ёши улуғ» дегани. Лекин унинг замирида теран бир маъно мужассамлигини, менимча, ҳамма ҳам тўлиқ тушунмайди. Бу сўз ёшидан қатъи назар, эл-юрт ҳурматини қозонган, ҳалол, имон-инсофли кишиларга нисбатан айтилади.

«Ёшулли» деган эҳтиромга сазовор бўлган одам шу номга муносиб бўлишга интилади, ўзида катта масъулият сезиб яшайди. Халқ бу сўзни кўпроқ раҳбарларга нисбат бериб ишлатади. Шундай экан, чинакам ёшулли бўлмоқни орзу қиладиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшаши ва ишлаши зарур.

Бизнинг халқимизга хос бўлган улуғ бир хусусият борки, ўзбек миллатига мансуб одам ўз ҳаётини ватандан айри ҳолда асло тасаввур этолмайди, деди йўлбошчимиз. Ўзбек тақдир тақозоси билан бошқа мамлакатларда, айтайлик, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия ёки Америкада истиқомат қилса ҳам, қалбида Ватан соғинчи, Ватан ҳасрати абадий яшайди.

Чет элдаги ватандошларимиз билан учрашганда мен уларнинг кўзида, сўзида бу ҳолатни кўп бор сезганман. Шунинг учун ҳам агар биров менга, туғилган юртидан чиқиб кетиб, ёт элларда ўзини чинакам бахтли, деб ҳисоблайдиган бирорта хоразмлик бор деса, мен бу гапга асло ишонмайман. Хоразм халқ қўшиқларининг бирида: **«Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Хоразмнинг янтоғича қўринмас»**, деган сўзларнинг борлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Мен Хоразмни аҳил бир оила деб биламан. Хонадоннинг ҳар бир аъзоси оиланинг доимий диққат-эътиборида бўлганидек, Хоразмда яшайдиган ҳеч бир одам ўз юриш-туришини, хатти-ҳаракатини эл кўзидан яширолмайди. Ҳаммаси ойнадагидек яққол кўриниб туради.

Чунки Хоразм аҳлига хос бетакрор ғурур туйғуси бор. Хоразмликлар ўз заминига шундай қизғин меҳр қўйганки, кимда-ким ножўя ишлари билан бу эл шаънига доғ туширмоқчи бўлса, бу ерда яшайдиган ҳар бир инсон юрт эгаси, юрт оғаси сифатида ўзида катта масъулият сезади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, раҳбарларнинг фаолияти, уларнинг хусусиятлари ҳамиша эл назарида бўлади. **Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон — шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.**

Бу юрт аҳлида андиша кучли, улар мулойим гапиради, бетгачопарлик қилмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳақида ўз фикри, ўз баҳо ва хулосаси албатта бўлади.

Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, куюниб, барака топкур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушиб қолишдан ўзингизни тиймайсизларми?

Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш — ҳар бир инсон учун шараф эмасми?

Афсуски, бугунги мажлисда мен мана шу аччиқ, оғир гапларни сизларга яна такроран айтишга мажбурман, деди Ислом Каримов. Кўпчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш — бу ғоят масъулиятли, оғир иш. Амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёни, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги албатта, аввалambор биринчи раҳбарга, унинг ақл-идроки, виждони, билим ва маҳоратига боғлиқ.

Бугун шуни катта таассуф билан айтишим керакки, вилоят ҳокими Искандар Юсупов қўпгина ижобий ишлар қилгани билан бир қаторда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ўзини йўқотиб қўйгани, атрофидаги яқинлари, ошнаоғайнилари, таниш-билишлари таъсирига тушгани, айниқса, кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Лекин бугун гап фақат Искандар Юсупов ҳақида бораётгани йўқ. Буни яхши билиб қўйинглар. Гап вилоятдаги ижтимоий вазият, маънавий-ахлоқий муҳит ҳақида кетяпти. Вилоятдаги ҳокимларнинг, катта-кичик раҳбарларнинг обрўси ҳақида кетяпти. Ва шу раҳбарларга одамларнинг муносабати, ишончи, кишиларнинг шу камчиликлар туфайли вужудга келган кайфияти ҳақида кетяпти.

Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими, оёғи ердан узилдими, имон-иродаси сусайдими — билингки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, мишмишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.

Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гуруҳбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоғлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга ҳалақит берадиган тўсиққа айланиб қолади.

Бугун биз бундай нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.

Хоразм тарихи инсоният ҳаётининг энг қадим даврлари маданиятини, маърифатини ўзида мужассам этган, деди давлатимиз раҳбари пировардида. Бу муқаддас замин тарихини биз 2700 йилдан зиёд деб биламиз. Энг мўътабар қадимги қўлёзмамиз «Авесто» мана шу ўлкада яратилгани ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Бу йил биз Хоразм заминининг машҳур сиймолари — мардлик ва ватанпарварлик тимсоли Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи, адабиётимизнинг ёрқин намояндаларидан бири, буюк шоир ва таржимон, тарихчи аллома Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик таваллуд тўйларини нафақат Хоразмда, балки бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз, иншоолло.

Ишончим комилки, ана шундай бой тарихнинг, маданиятнинг, деҳқончилик илмининг муносиб ворислари бўлган сиз, азиз хоразмликлар, бугунги йиғилишдан тўғри хулосалар чиқариб оласизлар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кескин ўзгаришларга замин яратиб, Хоразм вилоятининг обрў-эътиборини кўтаришга, унинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнида муносиб ўрин олишига ўз ҳиссангизни қўшасизлар.

(ЎзА)

«Ўйин»дан ўқ чиқса, иннайкейин нишон ким бўлади, Кўр ота?

Бир кўринишли, минг пардали, битта хулосали, лекин ўта ҳаётий ва сабоқли пьеса

Бугун дунёда кечаётган воқеаларга синчковлик билан қарайдиган, ёшига нисбатан ақли-заковати, ҳаётнинг паст-баландига қизиқиши анча баланд, етти ярим ёшли Мустақилбек эрталабки нонуштадан сўнг одатига кўра шахсий компьютерида «Интернет» хабарлари билан таниша бошлабди. Сиёсат ё иқтисод дейсизми, спорт ё илм-фан дейсизми, хуллас, инсон ақлига сиғадиган ва ўзи ўйлаб топган барча соҳалардан шингил-шингилдан тортиб ёстиқдайгача хабарларни кўздан кечирар экан, эътиборини қуйидаги сатрлар тортибди: **«Москва, 19 март (ИТАР-ТАСС мухбири Сергей Останин). МДҲнинг Марказий Осиё минтақасидаги давлатлардан бирида тинчликни сақлаш бўйича операцияларни режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш учун таклифлар тайёрлаш масаласи Ҳамдўстлик давлатларининг ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш Штабида бугун хотима топган тўрт кунлик маъмурий-штаб ҳарбий ўйинининг асосий хулосаси бўлди».**

Кўнгли тоза эмасми, Мустақилбек мазкур сатрлар мағзини ҳеч чақолмай қийналибди. Нега энди, Марказий Осиёдаги давлатларнинг тинчлигини сақлаш режаси айнан Москвада тузилиши керак, Тожикистонни ҳисобга олмаганда бу минтақада умуман олганда тинчлик барқарор-ку, бу ҳарбий ўйинлардан мақсад нима экан, каби саволлар кун бўйи унга тинчлик бермабди. Мазкур саволлар тўғрисида уйқуга кириш олдидан ҳам ўйлагани сабабми, тушида қуйидагиларни кўрибди.

Қисқа эрталанда, бир ҳашаматли бино эмиш. Қаршисида нотаниш киши пайдо бўлиб унга:

— Ҳа, Мустақилбек, қаерга келиб қолдим, деб ҳайрон бўляпсанми, — дебди.

Мустақилбек: Йўқ, қаерга тушиб қолганимни сезяпман, телевизорда кўргандайман, мени бошқа нарсалар ўйлантираяпти.

Нотаниш: Масалан?

Мустақилбек унга ИТАР-ТАССнинг кундузи тарқатган хабарини ёддан айтиб берибди.

Нотаниш: Ҳи-ҳи-ҳи, шунга бош қотириб юрибман, дегин. 1956 йили Венгрияда нима воқеа содир бўлганини биласанми?

Мустақилбек: Ўқиганман.

Нотаниш: Хўш, ўшанда, иннайкейин нима бўлган?

Мустақилбек: Будапештликлар Москвадан мустақил сиёсат юритмоқчи бўлганларида совет аскарлари Венгрия халқининг тинчлигини, социалистик тузумни ҳимоя қилиш ниқобида Будапештга бостириб кириб, халқ қўзғолонини ҳарбий куч билан бостирганлар. Минглаб бегуноҳдан бегуноҳ одамлар ўлиб кетган.

Нотаниш: Иннайкейин-чи?

Мустақилбек: Венгрия яна Москва измига тушган-қолган.

Нотаниш: Иннайкейин-чи?

Мустақилбек: 1968 йили прагаликлар ҳам Москвадан мустақил сиёсат юргиза бошлаганларида совет ҳарбийлари у ерга ҳам бостириб кириб чехларнинг озодлик ҳаракатини ҳам бостирганлар.

Нотаниш: Иннайкейин-чи?

Мустақилбек: Чехословакия ҳам Москва измида қолган.

Нотаниш: Иннайкейин-чи?

Мустақилбек: 1979 йили Москва нариёқдан Америка бостириб келаяпти, жанубий чегараларимизнинг хавфсизлигини сақлаш, минтақада тинчликни таъминламасак бўлмайди деб, бир кечада Кобулни босиб олди. Хуллас, афғонларнинг ҳам уйига ўт кетди.

Нотаниш: Унинг уйига нимага ўт кетади?

Мустақилбек: Нокаснинг кўзи оч бўлади, дегани шу-да, қоннинг таъмини бир билган кўппак иккинчи сафар ҳам қон қидиради. Бунақа ит то ўла-ўлгунигача қонхўр бўлиб ўтади.

Нотаниш: Сен қочирим гапларингни йиғиштир, далил билан гапир?

Мустақилбек: Гувоҳларимнинг ўн тўрт мингти энди ҳеч қачон гапиролмайди, қолган ўттиз минги бу ҳақда эслагиси ҳам йўқ. Ҳа, яна бир миллиондан ортиқ афғон йигирма йилдан бери мусофир бўлиб юрибди, бечораларнинг на уйи, на ватани бор. Бу ёғи ўзингизга маълум. Сизларга лой кечиб хизмат қилган Нажибуллани ташлаб қочдинглар. Мана ўн йилдирки, афғонлар бир-бири билан жиққа-мушт бўлиб, қўшни болаларни ҳам йўлдан ураяпти.

Нотаниш: Хўш, иннайкейин-чи?

Мустақилбек: Иннайкейин 1988 йили Тоғли Қорабоғда икки қўшни орасида қора мушук ўтказиб юборилди. Арман билан озарлар обдон сан-манга боришди. Шунда бу ерга ҳам совет қўшинлари тинчлик ўрнатамиз деб келиб, 10 йил давом этиб келаётган урушни бошлаб қўйишди.

Нотаниш: Иннайкейинчи?

Мустақилбек: Ҳалиги, анави бор-ку, миллатфуруш...

Нотаниш: Миллатфурушмас, қулупнайфуруш, коммунист,..-ист,.. ист,..ист..., словом, товарищ Нишанбай.

Мустақилбек: Ишқилиб ўша-да, кўп ҳам фарқи йўқ экан — бизда миллатфуруш деса, сизларда қулупнайфуруш деркан-да. Хуллас, Фарғона, иннайкейин Ошдаги воқеаларни айтаяпман. Ўшанда ҳам пашша учса эшитиладиган осуда жойда бирдан жанжал чиқиб, нотинчлик юз берганда, тинчликни сақлаймиз, деб ҳарбийларнинг қилган ҳаракатини эслаяпман-да. Ўшанда ўзи аслида нима бўлувди?

Нотаниш: Мумкинмас, эллик-юз йилдан кейин биласан, болапақир.

Мустақилбек: Ўзинг болапақир. Э, онангни...

Нотаниш: Бўпти, бўпти. Иннайкейин-чи?

Мустақилбек: Шу ўн йил бурун Душанбадаги Шоҳидонда юз берган воқеаларга шубҳам бор-да. Мана қаранг, Тожикистонда шунчадан бери нотинчлик, уни тинчитаман, деб икки юз бир, кечирасиз, минг бир ҳаракат қилиниб ётибди.

Нотаниш: Ҳаддингдан ошма, ў-ў, болапа...

Мустақилбек: Э, онангни...

Нотаниш: Бўпти, бўпти... Ўзинг ҳам ўйлаб гапир-да. Шоҳидондаги ур-сурларни аслида сизлар уюштирган-сизлар, демоқчисан-да. Гапирсанг, далил билан гапир-да.

Мустақилбек: Ўзингиз эллик-юз йилдан кейин чиқади, деб турганингизда, далилни қайдан олай, Кўр ота.

Нотаниш: Ҳи-ҳи-ҳи. Буниси минг йилдан кейин ҳам чиқмайди... Шошма, Кўр ота, дедингми, бу нима дегани?

Мустақилбек: Охирида айтаман. Иннайкейин айтсам, мана Абхазия, Приднестровьеда ҳам хоҳлаган пайтда нотинчлик бўлиши мумкин. Кейин, агар нотинчлик жуда ҳам катталашиб кетса, кимдир ташқаридан келиб, уни, тинчликни демоқчиман, таъминлаши, сақлаши керак.

Нотаниш: Мана кўрдингми, ўзинг ҳаммасини тушуниб олибсан. КПСС ҳам бутун Ер курраси да, айниқса, социалистик дунёда тинчликни сақлашдан, таъминлашдан манфаатдор эди, мана бугун биз ҳам шу сиёсатни давом эттираяпмиз.

Мустақилбек: Бундан чиқди, сизларнинг эски коммунистлардан фарқингиз йўқ экан-да?

Нотаниш: Топдинг, бу масалада фарқимиз йўқ. Лекин илгари социалистик лагер, дейиларди, бугун биз бошқача таърифни топганмиз: манфаатларимиз ва таъсир доирамиз. Англадингми?

Мустақилбек: Англадим. Фақат бунигина эмас, бошқаларини ҳам. Анави, 19 мартда Москвада бўлиб ўтган «ҳарбий ўйинлар»дан кўзланган мақсадларни ҳам. Демак, келажакда Марказий Осиё давлатларидан бирида юз берадиган нотинчликни бартараф этишга ҳозирдан тайёргарлик кетаяпти. Аммо нега айнан бизнинг минтақада тинчлик бузилиши керак экан. Ҳеч бир давлат ўзида беқарорлик бўлишини истамайди-ку!

Нотаниш: Эй, ёшсан-да. Мана қара, Тожикистонда ҳали у томоннинг вакилини отиб кетишяпти, ҳали бу томоннинг. Бунақада яна қарама-қаршилик авж олиши мумкинми? Ё бўлмаса, Тошкентдаги 16 февраль фожиасини ол. Худо кўрсатмасин, ўша куни иш бошқача бўлганда, шундай бой, гуллаб турган юртда беқарорлик бўлармиди? Бўларди. Уни кимдир тинчитиши керак бўлардими? Бўларди. Бу осон иш эмас. Бунга тайёргарлик, машқ ёки анави ИТАР-ТАССда айтганидек, «ҳарбий ўйинлар»ни ўтказиб туриш керак. Эҳ, афсус, сенинг авлодинг Суворовни билмайди-да. Биласанми, у нима деган? Машқда қийин бўлса, урушда осон бўлади.

Мустақилбек: Мана энди дилингиздаги тилингизга чикди. Бу «ҳарбий ўйинлар»дан мақсад Марказий Осиё давлатларидан бирида уруш чиқариш экан-да. Энди мени эшитинг. Қанча вақт социалистик лагерни кенгайтирамиз, сақлаймиз, деб, ҳар хил ўйинлар қилиб, қон тўкдингиз, барибир, социализм ҳам ўлди, «иттифоқ»қа ҳам ўт кетди. Нима бало, ҳассангиз шунчалар кўпми, сабоқ чиқариш ўрнига, энди МДҲдаги таъсиримизни сақлаймиз, деб, яна ҳар хил «ўйинлар» қилиб юрибсизлар. Бировларнинг уйида нотинчлик уйғотишни режалаштиришдан кўра, ўз уйингизда тартиб ўрнатишни фикр қилсангиз нафлироқ-ку. Бу кетишда қўрғонингиз ҳам ёниб тушмайдими? Наҳот ўтмишдаги қилмишларингиз кўзингизни очмади? Кўр отанинг маънисини энди билдингизми?

Шу ерга келганда Мустақилбек уйғониб кетибди. Тушининг таъбирини айтиб беришни эса сиз билан бизга қолдирибди.

Ойбек ШАҲЗОДА

Халқ банки ҳалқ хизматига шай

Андижон вилояти Халқ банки бошқармаси бошлиғи Дилшодбек Йўлдошев билан мулоқот

Суҳбатдошимиз ҳақида: Дилшодбек Йўлдошев 1969 йилда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тугатган. 1996 йил майидан Андижон вилояти Халқ банки бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

У айни пайтда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтининг аспиранти.

— Дилдошбек, суҳбатимиз аввалида Халқ банки Андижон вилоят бошқармаси ходимларининг бугунги кундаги фаолият йўналишлари хусусида қисқача тўхталсангиз.

— Халқ банкининг вилоятимиздаги бўлим ва шаҳобчаларидаги иш Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда республика Халқ банки бошқарувининг кўрсатмалари асосида ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Зиммамизга юклатилган вазифаларни бажариш борасида муайян ишлар қилинди. Ходимларимиз масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда болали оилаларга нафақаларни тарқатиш, моддий ёрдам пулларини тўлаш, индексация пуллари ва пенсияларни тарқатиш каби вазифаларни бажариб келишмоқда. Бундан ташқари, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, нақд пулсиз муомалаларни бажариш, коммунал тўловлар, турли хилдаги солиқ ва жарималарни қабул қилиш, аҳолига қимматли қоғозлар, пулбуюм лотереяларини сотиш каби кўплаб банк хизмати кўрсатилмоқда.

— Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳаётимизда жуда кўп ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, банк соҳасида ҳам туб бурилиш ясаш йўлида қонуний асослар яратилди. Шундай эмасми?

— Албатта. Мустақиллигимиздан кейинги ўтган даврда барча банклар қаторида Халқ банки тарихида ҳам катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунга яққол мисол қилиб Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 октябрдаги «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарорини келтириш кифоядир. Ўрни келганда яна бир нарсани айтиб ўтай. Ҳукуматимиз Халқ банкига жуда катта эътибор бериб, ғамхўрлик ҳам қилмоқда. Президентимизнинг 1998 йил 25 декабрда чиқарган Фармонига кўра, Халқ банки 2002 йилгача солиқлардан озод бўлди. Бўшаган маблағлар эса банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланади. Кўряпсизми, давлатимизнинг соҳани ривожлантиришга, унинг иш фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришга нечоғлик катта аҳамият бераётганлигини.

— Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ҳар қандай банк ўз мижози билан «тирик». Маълумки, аҳолининг асосий қисми Халқ банки хизматидан фойдаланади. Шундай экан, уларга қандай шароитлар яратиляпти?

— Саволингиз ўринли. Вилоятимиз фуқароларининг аксарияти хизматимиздан фойдаланишади. Шундай экан, мижозларимизга қулай шароит яратиш, уларга намунали хизмат кўрсатиш бизнинг бош вазифамиздир. Мижозлар кўнглини олиш ва ишимизни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш борасида муайян ишлар қилиняпти. Қолаверса, биз ўз иш фаолиятимизни яхшилашда республика Халқ банки бошқаруви раҳбариятининг амалий ёрдами, тавсия ва кўрсатмаларига таяняпмиз.

Ҳозирги кунда юртимизда қатор тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истаймизми-йўқми, банкларарo рақобатни вужудга келтириши табиий. Банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши тижорат банкларига бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Илгарилари аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари фақатгина омонат кассалари орқали қабул қилинган бўлса, ҳозир бошқа тижорат банклари ҳам аҳолидан маблағларни қабул қилмоқда. Демак, банкимиз томонидан мижозларимизга таклиф этилаётган хизматни сифат жиҳатидан яхшилаб, унинг турларини кенгайтириш, қисқача қилиб айтганда аҳолига банк хизмати кўрсатишни замон талабига етказиш биринчи галдаги вазифамиздир.

— Дилшодбек, юқорида рақобат, дедик. Шу маънода аҳолига хизмат кўрсатувчининг билими ва савиясига ҳам кўп нарса боғлиқ...

— Дарҳақиқат, шундай. Ўзингиз бир ўйланг, илгари Андижонда қанча банк бор эди-ю, ҳозир қанча? Демак, биз фақат изланишда бўлишимиз лозим. Шунинг учун биринчи галда тушунтириш ишларига катта аҳамият бермоқдамиз. Қолаверса, ходимларимиз малакасини ошириш мақсадида вилоят Халқ банки қошида ўқиш ташкил этдик. Унда қатнашганларнинг аксарияти кассирлар бўлиб, улар бу ерда ўз билимларини оширишди, чунки аҳоли билан асосан кассирлар ишлашади-да. Бундан ташқари, барча ходимларга нисбатан талабчанликни оширдик ва айни пайтда уларни ҳам ижтимоий ҳимоя қилишни унутганимиз йўқ. Биз келажакка ишонч билан қараймиз. Ана шу ишонч боис, жамоамиз аҳли вилоятимиз аҳолисига кундан кунга хизмат кўрсатишни яхшилаб бормоқда. Мижозларимиз сони ортиб бораётир. Ва айни пайтда олдимизда турган муаммоларнинг оқилона ечимини топиш кераклигини ҳам яхши англаймиз. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва соғломлаштиришга бизнинг соҳа вакиллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

—Мижоз доим ҳақ, деган гап бор. Аслида-чи?

— Аслида ҳам шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Негаки, биз хизмат кўрсатувчилармиз. Улар эса хизматдан фойдаланувчилардир. Юқорида рақобат, дедик. Ҳозир биргина вилоятимизда қатор банклар фаолият кўрсатаётир. Шундай экан, мижоз қайси банк хизматидан фойдаланишни ўзи танлайди. Кимки, мижоз кўнглига қараб ишни ташкил қилса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилса, ўша банк хизматидан фойдаланувчилар шубҳасиз кўпаяди. Бозор иқтисодиётининг талаби шундай. Шунинг учун банк муассасалари томонидан аҳолига таклиф этилаётган хизматларни сифат жиҳатидан яхшилаш, умуман мижозларга тўлақонли банк хизмати кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

— Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йил Аёллар йили, деб эълон қилинди. Демоқчи бўлганим шуки, вилоят Халқ банки бошқармаси, унинг бўлимларида ишловчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилади. Уларга эътибор қандай?

— Дарҳақиқат, жорий йил иш режасига кўра, аёлларимиз манфаатини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик қилишга катта эътибор беряпмиз. Зеро, бу ёруғ олам аёллар билан мунаввар, гўзал. Кези келганда айтиб ўтай. Вилоятимиздаги туман Халқ банки бошқарувчиларининг беш нафари аёллардир. Фурсатдан фойдаланиб ана шундай раҳбар аёлларимиз номини алоҳида тилга олишни истардим. Улар — Балиқчи тумани Халқ банки бошқарувчиси Раъногон Тожиева, Қўрғонтепадан Нишонхон Мирзааҳмедова, Бўздан Раҳима Сулаймонова, Андижон шаҳар Халқ банки бошқарувчиси муовини Дилором Нурматовалардир. Биз бундай фидойи аёлларимиз билан фахрланамиз. Умуман жамоамизда меҳнат қилаётган барча аёллар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

— Маънавият ва маърифат ҳақида кўп гапирилмоқда. Шу хусусда фикрингизни билмоқчийдик...

—Юртимизда шу соҳага катта эътибор бериб келинаётгани бежиз эмас. Чунки, маърифатли, маънавияти юқори халқни енгиб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишини, нутқини катта ҳаяжон билан тинглайман, ўқийман. Улардан ўзимча хулосалар чиқараман ва маънавий бойликни моддий бойликдан устун қўйганларида минг бор ҳақ эканликларига яна бир бор амин бўламан. Президентимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳам маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратганлар.

— Дилшодбек, республикамиз вилоятларидаги Халқ банки бошқармалари раҳбарларининг ичида энг ёши сиз экансиз. Айтингчи, ишингиз оғирлик қилмайдими?

—Албатта, зиммамдаги вазифа масъулиятли. Лекин, ишга қизиққан одам чарчамайди, зерикмайди сизга айтсам. Жамоамиз аҳил. Олдимизда турган муаммолар ечимини кўплашиб топамиз. Қолаверса, республика Халқ банки бошқаруви раҳбарияти йўл-йўриқ кўрсатиб, амалий ёрдам кўрсатаётир.

— Эшитишимча, илмий иш ҳам қилаётган экансиз...

— Тўғри, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти аспирантиман. Макроиқтисодиёт кафедрасида Тижорат банкларида инновацион менежменти бўйича илмий иш олиб бораяпман. Ўқиб-ўрганган яхши-да.

— Ҳаётда ўзи нимага қизиқасиз?

— Лирик қўшиқларни хиргойи қилишни ёқтираман. Яна теннис ўйнаш ёқади.

— Бўш вақтларингизда...

— Бўш вақт кам бўлади. Очиғини айтсам, шундай фурсат пайдо бўлган кезларда хаёл суриб юришни яхши кўраман. Одатим шунақа.

— Одамзот бир нарсага суяниб яшайди. Ҳадемай, ўттиз ёшга тўласиз. Шу ёшга етиб чиқарган энг муҳим хулосангиз...

— Худога шукрки, юртимиз тинч. Тинчлик бўлса, ҳаммаси яхши бўлади. Хулосам шундай.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз тўхталсангиз?

— Рафиқам шифокор. Бир-биридан ширин икки фарзандимиз бор, ўғил-қиз. Исмлари Камола ва Санжар. Илоё, болаларимиз соғ бўлишсин. Уларнинг бахтига юртимиз тинч бўлсин.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Зарбдор элеватори»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорлари диққатига!

1999 йилнинг 31 март куни соат 14⁰⁰да 1998 йилнинг якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилади

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. *1998 йил якуни бўйича ҳисобот.*
2. *Тафтиш комиссияси ҳисоботи.*
3. *Дивиденд тақсимоти ва унинг тақсимланиши.*
4. *1999 йилнинг бизнес режасини тасдиқлаш.*

«Зарбдор элеватори» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 1998 йилги молиявий натижалари қуйидагича бўлди:

1. Ялпи даромад — 271291 минг сўм.
2. Жами харажатлар — 270576 минг сўм.
3. Фойда — 715 минг сўм.
4. Фойдадан тўловлар — 204 минг сўм.
5. Заҳира фондига ажратмалар — 204,4 минг сўм.
6. Дивиденд учун — 306,6 минг сўм
7. Битта акцияга тўғри келадиган дивиденд – 1 сўм 93 тийин.

Кузатув кенгаши.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон фуқароларини
Наврўз айёми ва Қурбон ҳайити
билан қизғин табриклаймиз. Сиҳат-саломатлик, тинчлик, хотиржамлик сизларга ёр бўлсин!



«Зарбдор элеватори» акциядорлари

Эх, бу одамлар

Мариенбад курортида дам олаётган Бисмарк маҳаллий докторнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолипти. Врач обдон унинг касалини суриштирипти. Тоқати тоқ бўлган Бисмарк депти:

— Гапни айлантириб ўтирмай, дори бериб қўя қолсангиз бўлмайдими?

Врач хотиржам жавоб беripти:

— Бўлмаса, мол докторига мурожаат қила қолинг. У бемордан битта ҳам савол сўрамабди.

* * *

Бернард Шоу кўчада кетаётиб бир семиз бақалоқ одамга рўпарага келипти. У қотмадан келган Шоуни масхаралаб дебди:

— Сизни кўрган одам Англияда очлик экан деб ўйлайди.

— Сизни кўрган одам эса шу очликнинг сабабчиси бўлса керак деб ўйлайди.

* * *

Афина мустабид Лисистратга хотини танбеҳ берипти.

— Ҳамманинг кўз ўнгида қизимизни ўпган йигитни ўлимга маҳкум этмай бекор қилдинг.

— Бизни яхши кўрадиганларни ўлимга маҳкум этсак, бизни ёмон кўрадиганларни нима қиламиз?

* * *

Волтернинг хизматкори жуда ялқов экан. Бир куни Волтер туфлини олиб келишни буюрибди. Хизматкор уни ифлослигича олиб келипти.

— Тозаламабсан-ку! — дебди Волтер.

— Тозалашнинг нима ҳожати бор? Ёмғир ёғяпти. Кўчалар лой. Икки соатдан кейин баттар ифлос бўлади.

Волтер ифлос туфлини кийиб уйдан чиқипти. Бироздан сўнг хизматкор унинг кетидан югурипти:

— Жаноб! Калитни ташлаб кетмадингиз-ку!

— Калит?

—Ҳа, буфетнинг калити. Овқатланишим керак-ку!

— Овқатланишнинг нима ҳожати бор? Яна икки соатдан кейин қорнинг баттароқ очади.

* * *

Бир ёш шоир немис ёзувчиси ва муҳаррири Теодор Фонтальега шеърини юборипти. У шеърига хат ҳам илова қилган экан: «Жаноб муҳаррир. Мен шеъримга вергулларни қўйганим йўқ. Сиздан илтимос, вергулларни керакли жойига ўзингиз қўйиб чиқсангиз».

Фонталье шеърни қайтариб юборипти: «Сиздан илтимос, эндиги сафар фақат вергулларни жўнатинг. Шеърни ўзимиз ёзиб қўямиз».

«Ичак узар ҳангомалар»дан

Организация
реализует со склада в Ташкенте

Автозапчасти:

Гильзо-поршневая группа, коленвалы, головки блока, прокладки головок блока, уплотнители, сцепления, детали коробок скоростей, детали ходовой части, всего более 400 наименований для автомобилей ГАЗ-24; ГАЗ-53; ЗиЛ-130; семейства МАЗ; семейства КАМАЗ и КрАЗ,

а также асботкань АТ-1С; АТ-3

Форма оплаты — перечисление.

Наш адрес:
г.Ташкент — 700015, ул. Айбека, 47.
Тел.: 54-78-19, 54-93-07. Тел/факс: 54-76-31.

«Муборак ҳаж» ўйланмаси

Азиз муштарийлар! Аввал қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган ном ва сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. «Қуръони карим»нинг ўзбек тилида нашр этилган таржимаси ва изоҳлари муаллифи — 2,6,5
2. Намоз ўқиш пайтидаги ҳолатлардан бири 7,1,13,1.
3. «Қуръони карим»нинг «Тунги йўлчи» — яъни, юлдуз маъносида келган сураси номи — 16, 5, 7, 3, 17.»
4. Тўфон (оламни сув босгани) ҳақидаги ривоят билан боғлиқ пайғамбар номи — 10, 1, 8.
5. Абдулла Ориповнинг муборак ҳаж сафари асосида ёзилган «Ҳикмат садолари» туркумидаги «Ибодат» шеъридан:

Дунё ишларига боқма
ҳеч ҳайрон,
Жимгина назар сол
қўҳна бу корга.
Олис кечалари ёлгиз
қолган он,
Дилингни 5, 14 фақат Парвардигорга.

6. Кишидаги ўз хатти-ҳаракати учун масъулият туйғуси, диёнат — 12, 3, 11, 4, 5, 10.
7. Кун чиқиш пайти — 16, 5, 10, 18.

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоб сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан «Қуръони карим» оятларида ҳаж амалига оид сўзлар аён бўлади.

Ўйланма: қуйида изоҳланган сўзларни шаклда белгиланган ҳонадан соат капгири йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Оллоҳнинг ягоналиги, Муҳаммад аллайҳиссалом унинг элчисилигини англатувчи, Ислом дини рукнларининг биринчиси. 2. Ҳаж маросимларида чиқиб, намоз ўқиладиган Макка яқинидаги тоғ. 3. Суфийликдаги муайян босқичлардан бири. 4. Каъбатуллоҳ яқинидаги суви табаррук ҳисобланувчи булоқ. 5. Оллоҳнинг иродаси билан Муҳаммад пайғамбарга «Қуръони карим» оятларини етказиб берган фаришта. 6. «Аллоҳу акбар» сўзларини баланд овоз билан такрорлаш орқали яратганни улуғлаш. 7. Мусулмон дунёсида ўз таълимоти билан машҳур бўлган улуғ мутафаккир, XIV асрда яшаб ўтган донишманд. 8. Муҳаммад алайҳиссаллом айтган панд насиҳатлари ҳамда унинг ҳаёти, фаолиятига оид муқаддас манба. 9. Яратувчининг тўрт бош фаришталаридан бири. 10. Мусулмон олами айёми. 11. Оллоҳнинг номини тил ва дилдан мадҳ этмоқ. 12. Оллоҳ йўлида амалга оширилган эзгу ишлар. 13. Динимиздаги фалсафий оқим. 14. «Қуръони карим»нинг энг кўп оятлардан иборат сураси. 15. Муқаддас саналувчи, Ой ҳаракатига асосланган мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисобидаги биринчи ойи номи. 16. Муҳаммад алайҳиссалом таваллуд топган, ҳошимийлар хонадонига мансуб бўлган VVI асрларда Маккада яшаган араб қабилаларидан бири. 17. Таниқли дин ва давлат арбоби, саркарда, уламо, тарихнавис, икки китобдан иборат «Тарихи Муҳаммадийя» асари муаллифи. 18. Ислом динининг муқаддас китоби. 19. Ислом динига эътиқод қилувчи киши. 20. Намоз вақтида сажда қилинадиган томон. 21. Тасаввуфда руҳий камолотга эришишнинг тўртинчи, сўнгги босқичи. 22. Жума ва ҳайит намози олдидан масжид имоми томонидан ўқиладиган дуо. 23. Буюк муҳаддис, ҳадисшунос ва изоҳиёт алломаси, «Саҳиҳ» (Ишончли) ҳадислар тўплами муаллифи бўлган ватандошимиз. 24. Олий мусулмон руҳонийлари вакили, фиқх.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



«Наврўз» ўйланмасининг жавоблари:

Ёй бўйича ўнгга: 1. Баҳор. 2. Резавор. 3. Бодом. 4. Маҳалла. 5. Шафақ. 6. Қамария. 7. Сайл. 8. Латофат. 9. Савоб. 10. Башорат. 11. Каноп. 12. Помидор. 13. Кўрик. 14. Кўпкари. 15. Данак. 16. Камалак. 17. Кураш. 18. Шодиёна.19. Чашма. 20. Арғумоқ. 21. Оқшом. 22. Мукофот. 23. Гулоб. 24. Бегойим.

Ёй бўйича чапга: 1. Беруний. 3. Бекобод. 5. Шафтоли. 7. Саваги́ч. 9. Садоқат. 11. Кабутар. 13. Коваток. 15. Дўмбира. 17. Капалак. 19. Чойхона. 21. Арпапоя. 23. Гулбеор.

Муаммонома: «Гул ва Наврўз» — муаллифи Лутфий.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Айтерим» хусусий корхонаси банкротлик ҳолатига тушганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши 1999 йил 29 март соат 9.00 да Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекциясининг 212-хонасида ўтказилади.
Телефон: 162-17-82.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони.
Телефон: (3712) 96-63-21.

«Улуғбек юлдузлари» пул-буюм хайрия лотереяси бўйича 1999 йил 22-23 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

Расмий жадвали

Тиражда лотереянинг бир разрядига умумий суммаси 50 млн.сўмлик 130732 та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Серия рақами 000133, билет рақами 186 бўлган лотерея билетига«Дамас» автомобили ютуғи чиққанлиги кўрсатилган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ НОМИ	ЮТУҚ БАҲОСИ
000046	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000072	191	10000 сўм пул ютуғи	-
000101	013*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000103	010*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000105	153*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000106	004*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000108	073*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000121	198*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000122	064*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000123	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000133	186*)	Дамас автомобили	1000000
000134	174*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000138	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000147	053	500000 сўм пул ютуғи	-
000157	191*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000158	066*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000159	059*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000160	117*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000165	033*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000166	009	25000 сўм пул ютуғи	-
000172	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000191	073*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000201	049*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000242	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000257	089*)	Тико автомобили	750000
000270	099	10000 сўм пул ютуғи	-
000276	110*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000287	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000292	089*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000296	081	10000 сўм пул ютуғи	-
000298	001*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000333	147*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000335	177*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000337	038*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000355	161*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000358	012*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000377	132	10000 сўм пул ютуғи	-
000400	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000406	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000441	131*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000460	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000464	118*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000470	186	10000 сўм пул ютуғи	-
000479	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000485	143*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000498	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000505	160*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000507	168	25000 сўм пул ютуғи	-
000517	160*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000534	125*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000542	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000558	036*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000559	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000571	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000600	011	10000 сўм пул ютуғи	-
000611	200*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000631	023	10000 сўм пул ютуғи	-
000648	021*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000649	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000650	040	25000 сўм пул ютуғи	-
000663	157*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000667	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000675	185*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000677	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000691	005*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000712	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000722	130	10000 сўм пул ютуғи	-
000741	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000749	181	10000 сўм пул ютуғи	-
000753	098*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000758	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000763	084	25000 сўм пул ютуғи	-
000768	107*)	Тико автомобили	750000
000772	039*)	Дамас автомобили	1000000
000778	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000791	013	10000 сўм пул ютуғи	-
000806	090*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000851	049	250000 сўм пул ютуғи	-
000852	146*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000855	120*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000862	097*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000872	008*)	5000 сўм пул ютуғи	-
000879	078*)	2500 сўм пул ютуғи	-
000916	061*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000921	129*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000931	120*)	Тико автомобили	750000
000935	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000947	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000950	090	10000 сўм пул ютуғи	-
000953	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000968	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
000978	107*)	1000 сўм пул ютуғи	-
000982	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
000991	002*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001029	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001036	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001049	052*)	Тико автомобили	750000
001051	185*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001071	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001080	118*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001110	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001116	112*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001153	074*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001163	068*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001176	188*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001192	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001203	031*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001222	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001230	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001242	185*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001257	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001261	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001276	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001294	073*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001298	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001348	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001362	063*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001377	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001381	198	25000 сўм пул ютуғи	-
001389	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001423	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001424	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001425	063*)	50000 сўм пул ютуғи	-
001427	143*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001431	186*)	Тико автомобили	750000
001457	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001468	160*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001471	191*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001487	101	25000 сўм пул ютуғи	-
001515	191*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001517	117*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001518	183*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001523	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001543	015*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001563	109*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001570	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001577	119*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001579	075*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001585	110*)	1000 сўм пул ютуғи	-
001589	174*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001621	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001637	089	10000 сўм пул ютуғи	-
001651	147	10000 сўм пул ютуғи	-
001675	162*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001707	103*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001713	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
001783	065*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001790	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001793	061	10000 сўм пул ютуғи	-
001808	153*)	Тико автомобили	750000
001811	179*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001818	087*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001825	025	10000 сўм пул ютуғи	-
001829	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001860	031*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001871	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001877	082*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001886	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001930	073*)	2500 сўм пул ютуғи	-
001950	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
001968	046*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001969	116*)	5000 сўм пул ютуғи	-
001980	195*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002001	156*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002019	186*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002022	163*)	Дамас автомобили	1000000
002030	156*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002034	1-200	750 сўм пул ютуғи	-
002041	050*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002045	080*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002095	128*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002127	1-200	750 сўм пул ютуғи	-
002140	004	10000 сўм пул ютуғи	-
002150	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002157	105*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002171	066	25000 сўм пул ютуғи	-
002174	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
002181	059*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002182	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002190	053	25000 сўм пул ютуғи	-
002203	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002207	133*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002242	123*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002246	090	25000 сўм пул ютуғи	-
002258	173*)	Дамас автомобили	1000000
002285	174*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002286	094*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002303	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002306	193	10000 сўм пул ютуғи	-
002307	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002317	164*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002334	151*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002336	092*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002337	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002340	078*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002357	129	10000 сўм пул ютуғи	-
002380	130	25000 сўм пул ютуғи	-
002393	1-200	750 сўм пул ютуғи	-
002394	130*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002396	037*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002456	084*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002543	121*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002566	065*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002610	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002623	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002632	017*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002636	123	10000 сўм пул ютуғи	-
002641	108*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002643	156	10000 сўм пул ютуғи	-
002646	159*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002666	078	25000 сўм пул ютуғи	-
002667	117*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002680	089*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002682	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002713	137*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002729	152	250000 сўм пул ютуғи	-
002753	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002758	194	25000 сўм пул ютуғи	-
002763	017*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002776	030*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002789	142	25000 сўм пул ютуғи	-
002808	175*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002809	093*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002813	083*)	2500 сўм пул ютуғи	-
002828	039	10000 сўм пул ютуғи	-
002834	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
002840	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002856	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
002858	074	100000 сўм пул ютуғи	-
002869	090	25000 сўм пул ютуғи	-
002871	054*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002894	044*)	1000 сўм пул ютуғи	-
002908	006*)	5000 сўм пул ютуғи	-
002952	141	25000 сўм пул ютуғи	-
002994	046	25000 сўм пул ютуғи	-
002997	082*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003000	066*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003033	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003047	082*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003060	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003063	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003071	085*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003072	170*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003102	029*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003107	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
003119	090*)	Тико автомобили	750000
003127	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003147	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003166	122*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003167	080*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003170	042*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003193	176*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003235	049*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003245	091	100000 сўм пул ютуғи	-
003264	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003276	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003287	078*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003319	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003331	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
003345	123*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003367	200*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003385	174*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003400	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003438	110	10000 сўм пул ютуғи	-
003441	156	10000 сўм пул ютуғи	-
003442	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003443	072*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003448	157*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003460	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003476	139	10000 сўм пул ютуғи	-
003521	102*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003543	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003557	061	10000 сўм пул ютуғи	-
003562	055*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003595	185*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003598	110*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003607	034*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003639	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003662	019*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003665	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
003681	048*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003691	171*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003702	046*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003713	059*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003730	174	10000 сўм пул ютуғи	-
003779	195*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003792	136*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003803	132*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003804	051	100000 сўм пул ютуғи	-
003808	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
003830	056*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003832	126*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003840	185	25000 сўм пул ютуғи	-
003857	054	25000 сўм пул ютуғи	-
003871	077*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003881	042*)	50000 сўм пул ютуғи	-
003883	056*)	1000 сўм пул ютуғи	-
003889	179*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003900	1-200	750 сўм пул ютуғи	-
003912	096*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003920	043	10000 сўм пул ютуғи	-
003921	045*)	50000 сўм пул ютуғи	-
003932	179	10000 сўм пул ютуғи	-
003942	054*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003961	172*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003976	069*)	5000 сўм пул ютуғи	-
003985	194*)	2500 сўм пул ютуғи	-
003991	028*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004001	036*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004019	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004026	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004027	146*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004037	135*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004072	183*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004080	194*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004103	013*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004113	064*)	Дамас автомобили	1000000
004119	109*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004128	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004141	049	10000 сўм пул ютуғи	-
004152	037*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004164	106*)	50000 сўм пул ютуғи	-
004173	166	25000 сўм пул ютуғи	-
004181	138*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004232	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004257	064*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004261	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004273	196*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004308	015*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004316	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004354	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004378	016*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004398	200*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004422	157*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004440	049*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004450	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004456	002*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004492	098*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004496	060*)	Дамас автомобили	1000000
004508	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004510	083*)	Тико автомобили	750000
004511	106*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004519	172	25000 сўм пул ютуғи	-
004524	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004526	147*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004547	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
004561	086*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004575	116*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004586	030*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004592	132*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004600	169*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004606	081*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004607	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004612	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004619	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004629	040	10000 сўм пул ютуғи	-
004644	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004656	086*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004657	057	10000 сўм пул ютуғи	-
004659	048*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004663	188*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004669	064*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004687	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004707	064*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004732	046*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004739	071*)	2500 сўм пул ютуғи	-
004741	131	10000 сўм пул ютуғи	-
004756	026*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004761	191	25000 сўм пул ютуғи	-
004768	125*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004772	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004861	076*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004885	082	10000 сўм пул ютуғи	-
004893	119*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004894	181	25000 сўм пул ютуғи	-
004896	090*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004901	158	10000 сўм пул ютуғи	-
004907	105*)	5000 сўм пул ютуғи	-
004940	078*)	1000 сўм пул ютуғи	-
004951	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004958	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004961	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004967	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
004974	072	10000 сўм пул ютуғи	-
005007	200*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005011	168*)	Дамас автомобили	1000000
005035	138*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005048	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005061	178	10000 сўм пул ютуғи	-
005078	011*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005091	149*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005095	071*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005097	170*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005098	072*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005102	104*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005112	072*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005143	002*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005157	089*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005171	194*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005174	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005193	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005195	035*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005200	060*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005242	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
005244	086*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005249	047*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005257	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005261	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005268	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
005269	005*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005274	117*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005296	067*)	25000 сўм пул ютуғи	-
005302	088	10000 сўм пул ютуғи	-
005303	144*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005341	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005380	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005412	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
005441	169*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005442	109*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005461	130*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005484	159*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005503	004	10000 сўм пул ютуғи	-
005506	035*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005518	181	25000 сўм пул ютуғи	-
005532	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005557	180*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005586	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005593	021*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005607	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005672	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005676	010*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005688	177*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005702	080	100000 сўм пул ютуғи	-
005707	113	10000 сўм пул ютуғи	-
005713	057*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005719	184	10000 сўм пул ютуғи	-
005725	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
005737	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005739	165	25000 сўм пул ютуғи	-
005752	098	10000 сўм пул ютуғи	-
005761	165*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005777	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005815	022*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005816	064*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005817	180*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005823	037*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005843	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005856	051	25000 сўм пул ютуғи	-
005860	169*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005876	148*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005885	036	10000 сўм пул ютуғи	-
005890	030*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005893	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005897	197*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005898	092*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005899	063*)	5000 сўм пул ютуғи	-
005913	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005928	186*)	50000 сўм пул ютуғи	-
005942	023*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005968	078*)	1000 сўм пул ютуғи	-
005969	133*)	2500 сўм пул ютуғи	-
005975	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
005993	073*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006024	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006057	093*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006063	058*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006066	021	10000 сўм пул ютуғи	-
006086	015*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006090	065*)	50000 сўм пул ютуғи	-
006097	192*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006122	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006139	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006147	061	10000 сўм пул ютуғи	-
006155	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006181	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006184	088*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006205	021*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006210	080	25000 сўм пул ютуғи	-
006212	035*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006218	136*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006225	080*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006250	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006253	084*)	Тико автомобили	750000
006254	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006267	168	10000 сўм пул ютуғи	-
006274	092*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006282	109*)	Тико автомобили	750000
006285	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006302	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006330	041	10000 сўм пул ютуғи	-
006339	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006352	138*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006358	001*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006363	120*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006364	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006387	191	25000 сўм пул ютуғи	-
006401	139*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006439	090	25000 сўм пул ютуғи	-
006519	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006528	079*)	Тико автомобили	750000
006564	164*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006579	194*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006590	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006608	125*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006615	102*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006631	039*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006667	045*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006668	010*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006684	054*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006685	186*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006694	191*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006700	103*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006717	183*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006742	200*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006752	088	10000 сўм пул ютуғи	-
006758	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006762	109*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006781	061*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006786	005*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006790	063*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006791	081*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006824	135*)	1000 сўм пул ютуғи	-
006828	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006831	161*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006845	067	25000 сўм пул ютуғи	-
006855	145*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006874	177	10000 сўм пул ютуғи	-
006878	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006887	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006896	1-200	250 сўм пул ютуғи	-
006929	178	25000 сўм пул ютуғи	-
006934	195*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006949	082*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006951	061*)	5000 сўм пул ютуғи	-
006952	1-200	500 сўм пул ютуғи	-
006959	145	25000 сўм пул ютуғи	-
006968	119*)	Тико автомобили	750000
006976	001*)	2500 сўм пул ютуғи	-
006993	170*)	5000 сўм пул ютуғи	-
007007	005	10000 сўм пул ютуғи	-
007018	063*)	1000 сўм пул ютуғи	-
007046	136*)	1

«Комсар»

очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини бутун мусулмон уммати нишонлаётган
Ийд ал-Адҳа-Қурбонлик ва фидойилик байрами муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!
Ана шундай муқаддас кунларда меҳрибон ва қодир Оллоҳдан барча
ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, офият, узоқ умр, тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.
Ислоҳотлар йўлидан бораётган мамлакатимиз равнақи йўлидаги жамики
саъй-ҳаракатлар ижобий самарасини берсин!
Парвардигори олам юртимизга ҳамиша тинчлик, осойишталик ато этсин!
Истиқлолимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланаверсин!
Юртимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин!

Хайит кунларида ўтганларни ёдга олиш, марҳумлар руҳига ҳурмат бажо келтириш тирикларнинг бурчидир. Биз ҳам шу муборак кунларда кўп йиллар давомида «Ўзбекистон овози»да ишлаган, ўз ҳалол меҳнати, инсонийлиги билан ҳамкасблар қалбидан жой олган қаламкаш, севимли адиб Мирзакарим Пирматовни хотирлаб, адиб ҳақидаги асарни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз. Зеро, марҳум ҳамкасбимизнинг руҳи ҳамиша шод, ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

ОҚИБАТ

(Ҳужжатли достонидан)

Ишонмай ўлимнинг ҳақ эканига,
Қўника олмадим тоқ эканимга:
Ҳар доим эмас-у, кун-кун ора (рост!)
Номлари тилимдан учади бехос.
Жўралар сафидан изларкан зимдан,
Хижолат чекаман ўзим-ўзимдан,
Бахтиёр жуфтларга илашса нигоҳ,
Кўзларим муштлайман, қилдинг деб гуноҳ...
Олган ҳар нафасим, қадам, ишимнинг —
Баҳосин кутаман ғойиб кишимнинг.
Қозиқда чопонин ранги унниқди,
Юзларим, сўзларим ранги синиқди...
Бўрон гулбоғимни айлади яксон.
Бостириб, дилхонам топтади осмон.
Жолалар жонимни айлади ғорат,
Томи йўқ уй учун қандил не ҳожат?!
Тугар чоғ бир ёнай девдим порпираб,
Қон тўлган юрагим ёнмади, ё, раб!
Силтаниб, қурирга етмади ҳолим,
Куриш не? Туришга йўқдир мажолим...
...Кафтида артиб ҳўл мужгонларимни,
Яксара гуллатиб имконларимни,
Пилигим кўтариб қўярим қани?
Ҳар ишни яхшига йўярим қани?
Зулматни қоракўл чакмонга менгзаб,
Ҳар тирик бандани ўзига тенгсаб —
Ҳамсуҳбат бўларим, одамшавандам —
Кетдими, жаннатга сочгани ханда?!
Қанидир ҳаловат, дил оройишим?
Калити эркиму истак, хоҳишим?!
Тиндими «Дилхироже», «Баёт»им менинг?!
Синдими шуўлавор ҳаётим менинг?!
Қайда ул дарёдил, тапти, чапаним?!
Сарварим, меҳварим, обрў-кафаним?!
Барини ғафлатда бериб қўйдим мен,
Ҳижрон шиппагидан тўйдим. Тўйдим мен!
Висол! Ёр висоли, қурбонинг бўлай!
Умидим шаъми — сен. Парвонанг бўлай!
Изларинг ўпайин, этагинг тавоф —
Этарман. Олиб қол сен ҳам бир савоб:
Жонимни топширай қўша илкингга,
Олиб кет мени ҳам ўша мулкингга!
Қутулай, андиша, аросатлардан,
Қутулай, бедард, бефаросатлардан!
Юрагим талаган ҳашаротдан, бас, —
Жонимни абадул-абад эт халос!
Фикратим зориқди дақойиқларга,
Зикратим зўриқди ҳақойиқлардан...
Жангари Ғиротим тортмоқда ройиш.
Тўғайваш юрагим истар кушойиш...
Шуурим тўзгисин ғовлаган бошдан,
Руҳим тарк айласин пажмурда лошни!
Магарким, мужассам ғайрат, саботман,
Жуфтидан айрилган ёлғиз қанотман!..
Қайдадир юлинган қалбим қаноти?
Ғойиблар юртининг қайда работи?
Юпанчим кўрарга имкон бормикан?
Ким билсин.. тўрам ҳам бизга зормикан?
Ахир беш қаҳратон қилич сермади,
Беш йил гул-чечаклар қабрин чирмади...
Тафтидан кесаклар ушалганмикан?..
Остига момиқ ер тўшалганмикан?..
Бошига ботмасми гуволалари?
Маҳкамми, зич, миқти зуволалари?
Соғмикан, бир саржин сўнгаклари-е!?
Доғмикан, яқосиз кўйлаклари-е!?
Илтифот улашиб қаламқошларга,
Садоқат кўрсатиб даврадошларга,
Эркалаб, елкалаб жигарларини,
Ҳадялаб тулпори эгарларини,
Ўзлари юрарми ҳамон пиёда?
Отлиқдан зиёда, шоҳдан зиёда?!
Саройин дарчаси — ёқут, лолагун...
Ё ҳануз отилармикан жигар хун?
Ё, Оллоҳ! Қабрининг қорни шишгандек...
Эвоҳ! Жон Мирзомнинг дарди пишгандек!..
Хой, ким бор? ! Тез дўхтир ёнига чопинг!
Жон Акваралини зудликда топинг.
Айтингиз, мусалсам этилган дармон —
Тўкилиб кетмоқда халқа-халқадан...
Тўланбой акадан илтимос: шитоб —
Келиб, дўст бошида турсинлар шу тоб.
Денг: Мирзо ёшлатиб қотган кўзларин,
Сўзсиз сўраётир жондош дўстларин!
Яни бир кеп қолар — у дил хабиби —
Ўткиржон Мирзонинг — меҳр табиби!
Исмоил, Муқимжон, Нозиржон Саид,
Усмонжон, Одилжон, Қамчибек, Фэрид,
Тўлқин Сатимову Абдўғулом ҳам,
Ўктамжон, Турсуной, Замира билан.
Захиридин меҳрлар товлаб кетишсин!
Мискиним кўнглини овлаб кетишсин!
Шамоллар пойтахтга хабарлаб, зора —
Жон дўстлар келсалар яна бир бора!
Эркатой ўртоғим таянч, мадори —
Аҳмаджон келтирса янги бир дори!
Ғуломжон, Сафаржон, Эркин акалар
Умидлар карвонин келса елкалаб!
Олимжон аканинг, Сотим аканинг —
Суҳбати ҳарорат бўлиши тайин.
Абдулла Аъзаму Абдукаримнинг
Суҳбати шифонур Мирзакаримга...
Жабборни соғинган. Ёмон қўмсади:
Кўриниб кетсин бир бўлса фурсати...
Абсалим ака-я:улуғ қадамжо —
Яккабоғ ериданн, нияти шифо —
Деб лалми тарвузлар ташмалар эрди...
Дўсти ҳам — пўстин ҳам қолдирмай ерди!
Исмоил акаси, Ботир акаси
Обкелсин Жайхун ва Сайхун нафасин!
... Йироқнинг фироғи: улфати чорга
Айтмангиз, тушмасин юз хавотирга.
Сўзсиз ҳам қалблари сезяпти чоғи,
Безовта тушлари эзяпти чоғи,
Кўнглига ғойибдан бергандек садо,
Ўзлари келяпти айтгали...видо.
Муҳаммад Алининг тўйи кунлари
Кўзлардан тўкилиб ғам кукунлари,
Бегали ака ҳам, Наим ака ҳам,
Муроджон ва Пирмат акадай одам —
Келишди-кетишди, шамолдек шошиб...
Довдираб, чайқалиб, оёғи чалмашиб!..
...Ойнадан термулиб, ромга қўл тираб,
Наврўзни кутардик маъюс, мўлтираб.
Бахт кирди, шаҳд кирди шифохонага,
Қайтадан туғилдик гўё онадан!
(Арвоҳлар қувдими!) Худо етказиб,
Тошкентдан Бўзғача минг тош йўл босиб —
Саид Аҳмад отаю Озод муаллим,
Ва Ўткир Ҳошимов кириб келдиким,
Равоққа айланди зиндон палата!
Ҳаёт, завқ бонг урди қайта ва қайта!
Бормисан, табассум! Салом, қаҳқаҳа!
Сизларсиз ўт юрак кетди-ку захлаб!
Садаганг кетай-е, оқибат, қадр!
Сизларсиз бу дунё экан-ку қабр!
Муҳаррир Шарофжон қайта ва қайта
Келаркан ишдошлар саломин айтиб.
Ўринга михланиб ётган беморга
Етказди жамоа қилган қарорни:
Таҳририят Мирзо қадрин эъзозлаб,
Расмият томонин қўйибди мослаб.
...Кўзига нур тепчиб, юз теранлашар,
Шеригим боладек мақтана бошлар:
«Ким касал? Мен «Ўзбекистон овози» —
Учун мард инсонлар ҳаётин ёзиб —
Кетишга сафарбар мухбирман, махсус
Дўстлар даврасидаман, алалхусус!»
Бу ғурур, сурурдан бузилиб кўнглим,
Ўпади мурувват, оқибат гулин.
Ахир нур ташрифин сезиб қолган дам
Чечаклаб юборар ҳатто тошлар ҳам!
На — кўклам? На — баҳор? Олам Наврўзи —
Беморни кўришга келибди ўзи!
Бедордил тўғғийлар айтар азонлар,
Малаклар сеҳрида қайнар қозонлар.
Дарахтга биқинган юз минг қушчалар,
Бўйлашга андиша қилган ғунчалар —
Мук тушиб, санналаб тиловат қилур...
Кўкариш асрорин самовот билур...
...Ногаҳон титраниб қолди қайрағоч,
Ғўлдираб, нимадир деди қалдирғоч...
Вой, энди сарасан солибман боқиб,
Мирзонинг қошлари қанотин қоқиб —
Турган қалдирғочга ўҳшаркан жуда
Айниқса, бош қўйган чоғи уйқуга...
Бул нечук тараддуд? Нега ишора?
Валфажрим парвозга чоғланар... Ё, раб!
Бу қалтис муддао, шаҳдидан қайтар!
Парилар хаёли, аҳдидан қайтар!
Кетмасин! Не деса бисёр қилай мен!
Қўйида жонимни нисор қилай мен!
Қабоғим айлайин қалдирғоч уя!
Келтирган хор-хасин киприк деб суяй!
Уч болам сарманак ғуломи бўлсин!
Ўлар-ку — кўнгли бўш олимлар, илло —
Адҳамжон, Муҳаммаджону Ҳабибулло —
Сингари дўст-ёрлар ҳам қолди ночор.
Қисмати азалнинг ҳукми — барқарор!
Шаҳрихон, Бўзларни тутган ҳовучда —
Ҳамидхон ака ҳам — жон ҳовучлаган...
Тўйчивой, Раҳмонжон газетхонасин —
Маскани бўлди Бўз шифохонаси...
Беҳзодим овунчоқ — қулони бўлсин!
Жон қушим тухмидан бериб боқойин,
Сувсаса, оби Замзамдек оқойин...
Кетмасин! Яйрасин! Кўрсин ҳузурлар!
Мабодо ранжитган бўлсам, — узрлар!
Ранжимоқ, ранжитмоқ феъли-ҳўйи йўқ,
Шу билан Карим — у , шу билан улуғ!
Қўнгли ҳам қолмовди мендан, менимча,
Ёллар байрамида — куни-кеча
Деганди: «Тузалиб кетсам, аяси,
Бошқача яшаймиз, айласа насиб...»
Орзулар тўлқини кифтида оқди,
Сувлана бошлаган этига боқиб...
Бир мужда кутди-ей, мустар, мунтазир!
Ҳолбуки... меҳробда капалак: «чир-чир»..
...Э, Оллоҳ! Шифо бер! Этма хижолат!
Бир қишлоқ дуони этгил ижобат!
Рўзимат акадан ҳадя олма боғ
Икромжон тафтидан дув ёшарган чоғ,
Бўйидан баҳраманд этсин ёримни,
Камтарин, камсуқум хокисоримни! ! !
Азимжон, Муҳаммад, «Ортиқжон повур»—
Чинакам дўст чиқди маҳшарга довур.
Дилбархон таширкан ялпиз чучвара,
Синфдош дўстининг умрини сўраб,
Оқ қайин томоғи қалқиб кетади...
Қалбига ботган ой балқиб кетади!
Ўттиз йил тах еган оқ рўмолча (оҳ!)
Мирзо кўз гавҳарин шимди баногоҳ!
Аё, чарх! Ишингга қойилмар бўлдим...
Ўша кунни қиёмат қойимлар бўлди!
Дод! Минг дод дастингдан, бешафқат ажал!
Инсоф деган нарса борми сенда сал?
Ёш, қари демай, тенг ўроврасанми?
Қиш, баҳор — домингга сўроврасанми?
... «Тўқсон уч» баҳори, баҳормидинг сен?!
Сен — баҳор эмасдинг! Қаҳҳор эдинг сен!
Пусмайиб, бутоқда қотиб турдинг-а!
Бўй бермай, ерпарчин ётиб турдинг-а!?
Толқучук бўлмади пес кавак толлар...
Безрайиб, тош қотди лақма ниҳоллар.
Ялпизлар оёғин тортди лой сувлар,
Номард ел ниятим туширди чувлар!
Осмондан увалиб кетди пахсалар.
Юрагим тўкилди ҳар он, лаҳзада!
Ёмғирлар бўйнига осилдим сим-сим,
Чароғон кунларга илҳақ ёрим, жим —
Дилкушод чоқларни кутди мунтазир,
Хаста навбаҳордан лол, мутаассир...
Бу сирни ғунчалар гуллаб қўйишди,
Қалбимга тилсимни улаб қўйишди:
Ёғсираб кетганмиш қақшаган замин,
Шул сабаб баҳорнинг ташвиши-ҳамин...
Гуллашга боғларнинг етмай силласи,
Одамга ўтказган эмиш ҳийласин:
Мушк-анбар тутатиб баҳор-мўлтони —
Сеҳрлаб, олармиш одамлар жонин.
Инсонлар танидан ўтиб куч-қудрат
Ғуркираб кетаркан шум баҳор — бадбахт!
Ва... фоний дунёнинг борки аъмоли
Тақсимлаб олмишдир ёрнинг камолин.
Ҳаёт — Ёр ташрифин маъракасидир,
Офтоб — бу издиҳом баракасидир.
Ёрнинг куч-қудратин этгандек зуҳур,
Бу олам тасбеҳдек ўгирилиб турур.
Тириклик муждаси — мушкин ҳаволар,
Зумрад ранг боғлардан эсган даволар,
Ғуласал чечаклар — найза қиёқда —
Бокарам бўлмаса, эди қаёқда?!
Бир дунё қушларга ранг-баранг оҳанг,
Бир дарё бағрида маржону наҳанг —
Вобаста экании асос илми ҳам
Ул Ёрнинг беқиёс лутф-карамидан!
Тегрангда беадад тилсимот воқе.
Ушмундоқ, Ёр бунда экан, дарвоқе,
Жон қушинг қаёнга учирмоқчисан?
Танангни мозорга кўчирмоқчисан!
Ёпирай! Бу нечук шукронасизлик?!
Яратган азмидан фарзонасизлик?!
Нонкўрлик, мурдалик, гумроҳликдир — у,
Ҳаёт шаробига қўшмоқлик оғу!
Тупроққа эккунча тирик кўзларинг,
Ундиргил ерларда қолган сўзларинг.
Андиша либосин кийган ланжликлар —
Шахдинг чопқисидан бўлсинлар тилка.
Кўнглингга узалган қайғу тоғини
Эритсин ўзингга ишонч булоғи!
Шом чоғи зулматга қўмилган қуёш —
Тонгда уфқ қонида кўтаргандек бош,
Оламни мунаввар этгил бегараз,
Ёшариб, тозариб яша бегараз.
Хаёлдан меҳр, ардоқ таъмасин қувгил,
Юрагинг фақат ўз қонингда ювгин!
Сенгаки муяссар Ҳаёт нишони —
Ҳар икки оламнинг калити, жони!
Найсонга эврилган данаклик вақтинг,
Қиш-қиров кўнжида чинаклик бахтинг.
Дарахтсан — ғўраси қуюм ва қуюм...
Карахтсан — гул тўккан уюм ва уюм.
Умрингни синдирсанг, увол эмасми?!
Ғуж-ғуж меваларга завол келмасми?!
Ҳосилинг — ҳалвомас, пўла бўлар-ку!
Ҳаётинг — устунмас, ғўла бўлар-ку!
Бусиз ҳам бой бердинг қанча имконни:
Ўз ризқи-насибанг тўла хирмонни —
Елларга совурдинг чакса-чаксалаб,
Томчилар тоғни еб битиргандек ган...
Ҳа, ўтдинг заифлар паноҳи бўлиб,
Ожизлар илдизи, кўр роҳи бўлиб.
Бировга омонат қаср ҳам бўлдинг,
Не сирлар қошида басир ҳам бўлдинг.
Пойгакка ўтирдинг, чиқмай тўрига,
Қирга опичламай, юрдинг ўридан.
Бировга — тиллақош, бировга — тақа,
Кимларга — хазина, ким учун — чақа.
Қимматли саргардон бўлди умримиз,
Улоққа ташланди сайрон қумримиз.
Ўзим-ки ўзимни этмагач эзоз,
Ўзгалар иззатда тутмагани рост...
Жонини қийнамай етган фурсатинг,
Ёрга ҳам садоқат расмин кўрсатиб,
Беҳиштга равона бўлмоқ раводир.
Бемор дил қушимга шу йўл даводир.
Гарчи дил хастамен, ёлғиз қанотмен,
Ёр васли йўлинда собит саботмен!
Муҳаббат даштида, нетай, Лайлиман,
Ҳа, найлай, зуволам аёл ҳайлидан!
Гарчи дил розигим — Саҳрон Кабир,
Ёзигим — қанот, бардошу сабр!
Оламни шуўлага чайган Қамарман,
Лекин қуёшимсиз — йўқ, бесамарман!
Дуторга куй қайда, бармоқ бўлмаса?
Балиқ ов шавқи йўқ, қармоқ бўлмаса?!
Бир имо-ишорат этмагач ёрим,
Юрагим, не қилдик ёр ёққа бориб?
Лоақал тушимда порламайдир Ул,
Юлдуздек кўз қисиб чорламайдир Ул.
Орият, ҳаёни тупроққа қориб,
Не обрў топардик Ул ёққа бориб?
Тумордек асраралар керакли тошни,
Сен — тошмас, эдинг-ку умр йўлдоши!
Не учун ризвонга кетмади бошлаб?
Армонлар баҳрига чўктирди, ташлаб.
Қадр термовдингми зарра-зарралаб,
Меҳр бермовдингми карра-карралаб?
Хаёл бўлмовдингми, нурдек ютимли?
Аёл бўлмовдингми, васлинг — кутимли?
Ҳаётинг офтоби санардинг, вале —
Ишқидан кўнглинг тўқ яшардинг. Бале!
Муҳаббат изҳорин тож этиб кийдинг,
Жавоби галида... тилингни тийдинг!
Ғуруринг тоқидан тушаркансан-ку!
Қўйида қон йиғлаб-пишаркансан-ку?
Энг суйгун, энг жонбахш сўзлар ифорин —
Бахш этсанг, ёзилгай эди ҳумори...
Йўл кетса, парво, на писанд этмадинг,
Пошнасин кўксингга қадаб кетмадинг!
Соғинчинг сездирсанг кўзда, сўзда ё,
Тилингга чечаклар чиқармиди, оҳ!
Мисоли тенг кучли рақибдай, рингда —
Тенгма-тенг баҳслашдинг доим гурингда.
Ғоҳ уйда қозонинг сувларда қолиб,
Жангоҳда от сурдинг мардона, ғолиб...
Инжиқ феъл-атворинг — айғирдек эркин,
Ҳеч ишда демадинг: «Ёрим не деркин?»
Оқибат: на шиддат тотин билмадинг,
На мушфиқ, мунисса хотин бўлмадинг...
Ёйилма сув бўлдинг — ўзансиз оққан,
Тоғтошсан — самога чақчайиб боққан.
Сароблар сеҳрига учган туробсан,
На ҳоки туроб? Сен — ҳали суробсан!
Сен — талаб баҳрида тўлқиндай тошдинг,
Истак дарёсида қирғоқдан ошдинг.
Сувори қамчисин олдинг илкингга,
Шу тахлит чанг солдинг шерлар мулкига.
Жасорат, қудратга таъмалар қилдинг,
Ўзингни шерликка шаъмалар қилдинг.
Ўз қисмат хатингга этмай риоя,
Яратган измига ташладинг соя.
Билмадинг, тақдирнинг икки палласи —
Эркак ва аёлга айламиш насиб.
Тарозу лопиллаб кетмасин учун
Адо этмоғи шарт ҳар ким ўз бурчин!
Эр-ҳаёт дарахтин илдизи, яъни,
Аёлда мужассам гул иси, шаъни.
Аёл — бир дарёким, замзама мавжли,
Қалқондир, посбондир тошқирғоқ — завжи.
Аёл — ер, эркак-чи мисли самодир,
Ер кўкка ўрласа, дунё тамомдир!
Жазм этдинг ёзиғинг этмоққа таҳрир,
Бир йўла текислаб қўйди-ку тақдир!
Бир палласи синди қўл тарозунинг,
Оғирми-енгилми, энди торт ўзинг!
Ярмилик қисмати бўлмовди маъзур,
Бир ўзинг бир бутун бўлиб яшаб кўр!
Иқрор бўл: Ҳақ иши ҳақ эканига,
Бевасан, кўн энди, тоқ эканингга!
Қўл силтаб кетишни орзулайвермай,
Ҳаммадай яшашни ўрганги, бундай!
Мукаррам ғуруринг этмагил хор-зор,
Ёнингда бўлмаса, жонингда — ул Ёр!

Мукаррама МУРОД қизи

1998 йил 10 май — 10 июнь.



Ай—сель

ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ КО. ИНК

ay-sel

«INSAAT TAAHHUT VE TICARET A.S.»



ay-sel

ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшаётган ўзбек ва турк муҳандис, меъмор ва ишчилари ўзбек халқини Қурбон ҳайит байрами билан сидқидилдан қутлайди ва ўзбек давлатининг абадий барҳаёт келажагини тилайди. Ҳурмат ва севгилар ила,

«Ай-сель Иншоот, Тааххают ва Тижорат А. Ш.» Ширкати.



Özbekistan Gumhuriyeti'nin gelismeşinde katkilari bulunan, Özbek ve Turk mühendis, mimar ve işçileri Özbek Milleti'nin Kurban hayit Bayrami'ni candan kutlar, Özbek Devleti'nin ebedi gelecegini alkişlariz. Sevgi ve saygilarimizla,

"Ay-Sel Inşaat, Taahuut ve Tigaret A.S."

Манзил: Амир Темур кўчаси—107. Тел: 34-53-41, 34-55-80, 34-53-92.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-72-83, 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИҚРОМОВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Туron кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.360 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0177

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55

(Газетанинг навбатдаги сони 1 апрель, пайшанба куни чиқади)